

БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЕТИШ ОРҚАЛИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

Умаров Абдулқуддус Абдилхатович

*Андижон давлат техника институти Бухгалтерия ҳисоби
ва менеджмент кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD)*

E-mail: umarov.abdulkuddus@mail.ru

Барчамизга маълумки мамлакатимиздаги банк тизимларида замонавий ахбороткоммуникация-технологияларининг кириб бориши натижасида банклар билан мижозлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишига турки бўлмоқда. Бугунда Ўзбекистонда электрон тўловлар, интернет глобал тармоғи ва мобил алоқа воситалари орқали банк соҳаси мижозларига турли хилдаги интерактив хизматлар кўрсатиш тизимлари жорий этилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Иқтисодий интеграция ва глобаллашув шароитида хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар ўз фаолиятларида электрон тўловлар, электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш улар ўртасидаги ўзаро соғлом рақобатни мустаҳкамлаш билан бир қаторда юқори иқтисодий натижаларга эришиш омили ҳам ҳисобланади². Буннинг энг асосий эътиборли тамони шуки, банкларнинг рационал даромадлигини ортишини таъминланишига ҳамда тижорат банклари турли янги инновацион хизмат турларини жорий этилиши орқали банк хизматларини жозибadorлиги ошишига ва янги мижозлар жалб этишга, мижозлар билан яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрната олишига имкониятини яратади.

Банк тизими самарадорлигини ошириш тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг арзон ва сифатли молиявий хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш учун иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили ҳисобланади, бундан ташқари замонавий банк тизимини шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва банк хизматларининг янги стандартларини жорий этишга қаратилган банк тизимида комплекс ўзгартиришларни амалга ошириши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сонли Фармонида белгилаб ўтилган.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сонли Фармони

Банк инфратузилмасининг ривожланишига йўналтирилган инвестициялар банкларга янги технологияларни жалб этиш орқали янги хизмат турлари кенгайтиши ва мижозлар базаси ошишига олиб келган. Европа ва АҚШ банклари инвесторлари ўз маблағларининг 91 фоизини банк фаолияти самарадорлигини оширишда инфратузилмага инвестиция киритишга сарфламоқда⁸. Бугунда дунёда технологиялар ривожланиш ва тараққиёт этиб бораётган бир давирда эски банк хизмат турларининг ўрнини рақамли банкинг хизмат турлари эгаллаб бормоқда.

Ривожланган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар тажрибаси кўрсатдики, банк инфратузилмасининг ривожланишида асосий эътибор хизматларни ва технологияни ривожлантиришга қаратилган.

Бугунги кунда Буюк Британия, Италия, Германия, АҚШ, Корея, Япония сингари мамлакатлар аҳолиси масофавий банк хизматларидан фойдаланиш даражаси 55 фоиздан 98 фоизгачани ташкил этиши натижасида Италиянинг “Unicredit” гуруҳининг 2018 йилга келиб 800 та бўлими қисқарди. 2020 йилда “Bank of America”нинг филиаллари сони 800 тага қисқарди. “JP Morgan” таҳлилчилари бу борада олиб борган тадқиқотларида инвесторлар харажатларни қисқартирган ҳолда капитални рақамли иқтисодиётга йўналтиришнинг афзаллиги асосланди. Шунингдек, Германиянинг “Deutsche Bank” 1 млрд. еврони 2019-2021 йилларда рақамли банкинг 72 хил турдаги хизматларини ривожлантиришга йўналтириш режалаштирган. Бунга сабаб, агар банклар рақамли банкингга инвестиция ажратмас экан, улар асосий даромадини 30-35 фоиз йўқотиши мумкин деган тахминлар илгари сурилган.²

Таъкидлаб ўтганимиздек, янги банк хизматларини жорий этишда вақтни тежаш ва харажатларни қисқартиришга олиб келиш асосий элемент бўлиб қолади, деб ўйлаймиз. Проф. Рахмонов (2019) инновацияларнинг моҳиятига тўхталиб ўтиб, уни молиялаштиришга нисбатан қуйидаги талабларни бўлишини тавсия этади: “инновация деган мақомга эга бўлиши учун, аввало, янги ғоя қуйидаги талабларнинг кўп қисмига жавоб бериши шарт, деб ҳисоблайди: вақтни тежалиши. харажатларни камайтириши (ресурсларни тежаш). экологик ҳолатга салбий таъсир этмаслиги”. Шу нуқтаи назардан, янги банк хизматларини онлайн шаклда ҳам тақдим этиб борилиши қуйидаги тенденциялар билан янада кўпроқ ўз ифодасини топмоқда. Биринчидан, аҳолининг банк офисларига бориб, навбатда туриб банкнинг чакана хизматларидан фойдаланиши. Ушбу жараёнда бир қанча вақт ва харажатларни амалга ошириши барчага маълум бўлган жараён

² The Goldman Sachs Group, Inc. Future of Finance: The Rise of China FinTech. August 7, 2021

ҳисобланади. Иккинчидан, банк хизматларини оффлайн тарзда кўрсатишида ҳар бир мижоз учун алоҳида вақт ажратиш, унинг тегишли ходимни бириктириш ва у билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришнинг зарурати ҳам маълум бўлган феномен десак муболаға бўлмайди.³

Юқорида тақдирлаб ўтган ҳулосаларга кўра, шуни айта оламизки банк хизматлари бозорида инновацияларни (рақамли банк, AI, блокчейн) жорий этиш тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилдир. Бу мижозларга тезкор, қулай ва мослаштирилган хизматларни тақдим этиш, харажатларни қисқартириш ва янги бозор сегментларини эгаллаш имконини беради, натижада банкнинг узок муддатли барқарорлиги таъминланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сон
2. The Goldman Sachs Group, Inc. Future of Finance: The Rise of China FinTechsba. August 7, 2021
3. Центральный Банк Российской Федерации <http://www.cbr.ru>

³ Центральный Банк Российской Федерации <http://www.cbr.ru>